



ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ:

ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда.

Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Утган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни юксак самаралар билан амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиш, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва мамлакатимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни Обод турмуш-йили деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топи. Унда белгиланган берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг қўлмали ишларнинг манتيқий давомидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилادا ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Дастурда режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашишини таъминлашга ўзари. Уларни баҳарладиган муайян ижрочилар – тегишли вазирлик ва идоралар, амалга ошириладиган тадбирларнинг ижро муддатлари, молиялаш манбалари, мониторинг тизими, қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий механизмлари белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва оқшонилик, ҳафсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва раванқини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жаҳзда амалга ошириладиган кенг қўлмали ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг изчил давом этиши учун кредитлар, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришадиган ютуқларимизнинг муҳим омилдир.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга ошириладиган исло-

хотларнинг шаклланган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш энг муҳим вазифалардандир. Давлат дастурида тўртта қонун – Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оксоголи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қўлайтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, «Юридик ва жисмоний шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади.

Дастурда янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектиларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, қасаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. 2013 йилда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда қасаначиликни барқарор ривожлантириш ҳисобидан 970 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ тижорат банклари томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, хунарамандчиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш режалаштирилган. Жорий йилда бундай кредитларнинг умумий ҳажми 269,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Қарор ва ижро

Айно Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ТИЛ БИЛГАНГА НИМА ЕТСИН

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда чет тилларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда илғор услубларни жорий этиш, чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ кенг қўлмали вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган қўллаб-таълим даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи ана шундай ўқув муассасаларидан биридир. Хорижий филология ва аниқ фанлар йўналишлари бўйича 944 нафар ўқувчи тахсил олаётган ушбу лицейда шарқ тиллари, ижтимоий фанлар, аниқ фанлар, хорижий тиллар ҳамда тил ва адабиёт кафедралари фаолият юритмоқда. Бу ерда ўқувчилар япон, хитой, араб, инглиз, форс, ҳинд тилларини ўрганади.

– Мамлакатимизда чет тилларни ўргатиш ва ўрганиш борасида кенг шарт-шароит-

лар яратилган, – дейди лицей директори Бахтиёр Эшонжонов. – Билим даргоҳимиз Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ислом университети каби нуфузли таълим масканлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Лицейда ўқитувчилар малакасини ошириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, хитой тили ўқитувчилари Хитой Халқ Республикасининг Пекин тиллар ва маданият институтида ташкил этилган курсда тахсил олди. Япон тили ўқитувчиси Жасур Соипов эса Токио университетида малака ошириш курсида ўқимокда. Академик лицей ўқувчилари ўз билимини мунтазам ошириб бориши учун Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари ўқув жараёнига кенг жалб қилинган.

Хорижий тилларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу борада мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўлмали ишлар ёшларимизнинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсонлар, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. АҚШ делегациясининг ушбу таширифи давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш жараёнининг мантиқий давомидир. Мулоқотларда парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда изчил ривожланиб бормоқда, – деди Дэйна Рорабахер. –

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосий бўйича қўйи қўмитаси раиси Дэйна Рорабахер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров ва Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова билан учрашди.

Инсон ҳуқуқлари ва демократик таъминлаш масаласида ҳамкорлик бўлишида АҚШ делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА)

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилояти Фориш туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN агентлиги ва «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида «Ўзбекистон хотин-қизларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида бизнес-тренинг ўтказилди. Обод турмуш йилига бағишлаб ташкил этилган семинарга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги қишлоқ аёллари, касб-хунар коллежларини битирган қизлар таклиф этилди.

● Термиз шаҳрида фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган етакчи тармоққа айланганини таъкидлашди.

● Қарши шаҳрида «Аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – устувор вазифа» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирдан қўзланган мақсад чекка ҳудудларда яшовчи хотин-қизларнинг фаоллигини янада кучайтириш ҳамда уларнинг оила фаровонлигига қўшаётган ҳиссаларини оширишларига кўмаклашишдан иборат.

● Фарғона шаҳрида миллий армиямизда амалга оширилаётган туб ислохотлар самараларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Ёкутистоннинг Алдан районида жойлашган руда майдонида «Гора Рудная» номли янги олтин кони очилди.

● Мутахассисларнинг фикрига кўра, бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб кенг оммалашган смартфон йилнинг охирига бориб ўз мавқеини йўқотади. Унинг ўрнига янги алоқа воситаси – шаффоф мобиль телефонлар пайдо бўлади. Мазкур инновация аппарати яратиши тез орада Тайвань компанияларидан бири ваъда қилмоқда. Яъни, шаффоф смартфон устида ҳозирда Polytrop Technologies компанияси иш олиб бормоқда.

● АҚШ жаҳон бўйлаб иқтисодий жосусликка қарши кураш бўйича қатъий чоралар қўриш лозимлигини билдирди. Ушбу мамлакат маъмурларининг таъкидлашича, бошқа давлатларнинг ҳукуматлари тижорат сирларини муҳофаза қилиш ўзаро муваффақиятли иқтисодий муносабатлар учун жуда зарурлигини англаб етган ҳолда улар тижорат сирларини ўғирлаётганларга қарши курашиш учун қатъий чораларни амалга оширишлари лозим.

● Рим Папаси Бенедикт XVI 28 февралдан бошлаб ўз ваколатларини топширишини билдирди. Бенедикт XVIнинг фикрича, у понтификатни черков манфаатларини қўзлаган ҳолда тарқ этишга қарор қилган. Айтиш керакики, замонавий тарихда ҳали бундай ҳолат, яъни Рим Папасининг ўз хоҳишига кўра вазифасини тарқ этиши кузатилмаган эди.

● Кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган жаҳонга машҳур «Mango» компанияси болалар кийимлари, спорт либослари ва ич кийимлар тайёрловчи янги линияни ишга туширмоқда. Режага кўра, «Mango Kids» ва «Mango Sport-Intimates» линияларида ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлар 2013 йилнинг куз-қиш мавсумида савдога чиқарилади.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент қурилиш ва миллий хунарамандчилик касб-

хунар коллежида «Хунари гўзаллар» деб номланган тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бастакорлар

уюшмасида «Муסיқа — маънавий сарчашмаси» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Энг намунали талабалар турар жойи» мавзусида давра суҳбати уюштирилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, ҳудудий корхоналарни маҳаллаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Қайта ишлаш ҳажмлари, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий мини-технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўпайтирилади.

«Электрон ҳукумат» тизимини жадал шакллантириш ҳам муҳим ва долзарб вазифадир. Интернет тармоғида «бир дарча» режимида фаолият юритадиган интерфаол давлат хизматлари ягона портални яратиш мўлжалланган бўлиб, бу иқтисодий фаолият субъектлари ва бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини сезиларли даражада соддалаштириш имконини беради.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга оид ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва услубларини жорий этиш, пировард натижада фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш, 54 тиббиёт бirlашмасини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, 11 вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси, шунингдек, 13 вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади.

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш – изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замо-

навий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорт объектлари, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ: ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳати эътибор қаратиш, уларда миллий гуруҳ, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация» инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 2013 йилда 553 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингга яқка тартибдаги уй-жой қурилади, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ ва канализация хизматлари, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади, минглаб километр янги юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш

тармоқлари объектлари барпо этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Дастурда замонавий йўллар, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда узунлиги 239,1 километр бўлган янги, туташган автомобиль йўлларини барпо этиш, шаҳарларда янги кўчалар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Маҳалла халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутати. Шу муносабат билан 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъмин-

ланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг қиёфасини янада яхшилаш, уларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасига қиради. Маҳаллалар ҳудудларида 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари, шунингдек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экиш кўзда тутилган. 2013 йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси амалга оширилади.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади.

Маҳаллаларда йил давомида халқимизга хос тинчлик-осойишталикка интилиш, меҳр-мурувват, ўз халқининг

тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш каби қадриятларни тарғиб этадиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиш ҳамда уй-рўзгор юмушларини енгилаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади.

Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида «Ёш оилалар учун турар жой» дастурини, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда «Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришдан иборатдир.

Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси зиммасига давлат ва ҳўжалик бошқарувининг республика органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига доир ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз раванакни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

(ЎЗА)

Анжуманлар

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлиmlари ҳамкорликда «Адолат» СДП Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман Кенгаши кўмаги асосида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида «Хотин-қизлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги аъзолари бўлган ўқувчи қизлар, бошланғич ташкилот етакчилари, 50 дан ортқ таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, тумандаги 49 та маҳалла маслаҳатчилари, котиблари, фаол аёллар иштирок этишди.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуқамол Раҳмонов ва Ойиша Охуновалар сўзга чиқиб, Мустақилликнинг илк кунларидаёқ юртимизда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари» тўғрисидаги қонун, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва бу борада қабул қилинаётган қарорлар, мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, уларга қонун доирасида яратиб берилган шарт-шароитлар, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, айниқса оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумотлар беришди. Давра суҳбати иштирокчилари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

— Хотин-қизлар ва уларнинг давлат томонидан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари тўғрисида маълумот бериш мақсадида ташкил этилган тадбирда иштирок этган ёшларнинг теран нигоҳларидан шу нарсани аниқлики, бугунги кундаги ўзбек қизларининг билимлари, эртанги кунга ишончлари ва ўз ҳуқуқларини тўлақонли англай билганлари, уларнинг мавзу юзасидан билдирган фикр ва мулоҳазалари бизни янада қувонтирди, — дейди «Камолот» ЕИХ Чилонзор тумани Кенгаши раиси Б. Зиёвдинов.

(Ўз мухбиримиз)

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ

Кейинги йилларда иншоотларни ўта мустаҳкам қоришмалардан фойдаланган ҳолда қуриш борасида бой илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар туфайли қатор лойиҳалар юзага келди.

Илмий муассасанинг Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти билан ҳамкорлигидаги изланишлари ҳам амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

— Қурилиш ишларида фойдаланиладиган қуруқ қурилиш аралашмалари шу яқингача четдан келтирилган эди, — дейди қурилиш факультетининг етакчи олими Зафар Исмолов. — Бу эса кўп ҳолларда ишнинг самарадорлигига, сарф-харажатлар миқдорида таъсир этар эди. «Маҳаллий хом ашёдан қуруқ қурилиш аралашмалари» лойиҳаси ишлаб чиқилгач, сифат жиҳатдан импорт маҳсулотлардан қолиш-майидиган аралашмалардан кўплаб фойдаланиш имкони туғилди.

Бу лойиҳа қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини 1,5-3 мартага ошириб, сарф-харажатларни 3-5 мартага камайтириш имконини бераётир. Бино ва иншоотлар соф оғирлиги 20-30 фоизга камаймоқда.

Аҳмад АББОСОВ

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР АВТОМАТЛАШТИРИЛМОҚДА

Тошкентда коммунал хизматлар учун биллинг тизими ва мижозлар ягона маълумотлар базасини ташкил этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва ҳукуматимизнинг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва шериклик» кўшма лойиҳаси томонидан ташкил этилди, дея хабар беради ЎЗА.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йамунали ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётганини таъкидлади.

Бу уй-жой-коммунал соҳасига ҳам тааллуқлидир. Айни пайтда соҳада ишлар самарадорлигини ошириш, коммунал инфратузилма тизимини модернизация қилиш, шунингдек, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2013-2015 йилларга мўлжалланган сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс тарзда янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш керакики, ушбу ҳужжатга мувофиқ, мижозлар маълумотлар базаси ва биллинг тизимларини қўллаш мақсадида улар учун ягона техник талаблар, стандартлар ва параметрларни яратиш, шунингдек, ҳар бир коммунал хизмат учун ягона стандарт асосида мижозлар маълумотлар базаси ҳамда биллинг тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан ўтказилган мазкур давра суҳбатида Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Марказий банк, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статисти-

ка кўмитаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

Тадбирда аҳолига интерфаол хизматлар кўрсатиш, бунинг учун мижозлар ягона базаси ва биллинг тизимларини яратиш, мижозлар базасини ҳисобга олиш қийинчиликлари билан боғлиқ ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди.

Биллинг тизими абонентлар томонидан фойдаланиладиган хизматлар ҳажмини ҳисобга олиш, кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларга биноан пул маблағларини ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган дастурий комплекс экани таъкидланди. Аввал ушбу тизимдан асосан телекоммуникация соҳасида фойдаланилган. Бирок, амалиёт шуни кўрсатдики, биллинг мавзуси бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларга иссиқлик, сув, газ, электр таъминоти ҳамда санитария-тозалаш хизматларини кўрсатадиган уй-жой-коммунал соҳа учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шу сабабли «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси, «Тошсисқувват» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси, «Махсустранс» корхонаси ва бошқа ташкилотлар вакилларининг маърузалари тингланди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, айни пайтда ушбу ташкилотларнинг ҳар бири ўз мижозлар маълумотлар базаси ва истеъмолчилар билан ўзаро ҳамкорлик услубига эга. Масалан, «Ўзбекэнерго» ДАК ўз биллинг тизимини жорий этгани натижада соҳада кўплаб муаммолар ҳал этилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини ўрнатиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси ҳам бу борада маълум ютуқларни қўлга киритди. Корхонадаги мавжуд бундай тизимда ҳар бир истеъмолчи, унинг манзили, боғланиш маълумотлари, шахсий ҳисобрақами, ҳисоблагич ва унинг кўрсаткичлари бўйича маълумотлар сақ-



ланмоқда. Бундан ташқари, ташкил этилган Call-маркази орқали истеъмолчиларга қарзи борлиги ҳақида телефонда хабар берилади.

Бугунги кунда истеъмолчилар мамлакатимиз банклари, «SMS-To'lov» нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими, шунингдек, «Paynet» орқали он-лайн режимида хизматлар ҳақини тўлаш имконига эга бўлганини уй-жой-коммунал соҳасидаги яна бир ютуқ дейиш мумкин.

Муҳокама чоғида соҳага турли ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида ижобий натижаларга эришилганига қарамай, қатор муаммолар борлиги ҳам қайд этилди. Мисол учун, уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотларнинг мижозлар маълумотлар базаси, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш, ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва бошқа масалаларда тафавутлар мавжуд. Коммунал хизматлар биллинг тизими ва мижозлар ягона маълумотлар базасини ташкил этиш ушбу муаммоларни тезкор ҳал этишга ёрдам беради.

Тадбирда Тошкентда «Иссиқлик, сув, газ, электр таъминоти ҳамда санитария-тозалаш коммунал хизматлари истеъмолчиларини ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизими» тажриба лойиҳасини яратиш ишлари жалб қилиш учун шериклар аниқланди, ушбу масалаларни ҳал этишда ҳар бир иштирокчининг вазифаси ҳамда роли белгиланди,

М.МАМЕТОВА

Таълим

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Президентимизнинг

«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ шахримиздаги таълим муассасаларида ёшларни таълим ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.



Бу борада Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

— Ҳозирда институтимизда 6 та кафедра, 7 та бўлим фаолият кўрсатмоқда, — дейди Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Йўлдошев биз билан суҳбатда.

— Кафедраларда 69 нафар профессор-ўқитувчилар 34 та тоифа бўйича ташкил этилган педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида машғулотлар олиб боришмоқда. Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари ривожланган даврда билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришда, дастлабки билимларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, қўшимча маълумотлар билан таъминлашда ахборотнинг электрон шаклининг аҳамияти беқийс албатта. Чунки, таълим жараёнини ахборотлаштириш биринчидан, таълим олувчининг интеллектуал ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга, иккинчидан, ҳар бир таълим жараёни иштирокчисини ўз малакасини ошириш ва фаолият соҳасини ўзгартира олишга, учинчидан, тезкор таълим учун шарт-шароит яратишга имкон беради.

Шу мақсадда ўқув муассасамизда 150 та компьютер мавжуд бўлиб, улардан 96 таси интернет тармоғига уланган. Ўқув аудиторияларида битта электрон доска, 6 та видеопроектор, 2 та лингофон хонаси ишлаб турибди.

Институтда интернет ресурсларидан фойдаланиб медиа-дарсларни модул асосида ташкил қилиш амалиётга кенг жорий этилган. Бунинг учун Ахборот-ресурс марказида катта ҳажмда маълумотлар мавжуд бўлиб, медиа-дарсларда фанлар кесимида тингловчиларга керакли маълумотларни излаш, уларни олиш йўллари ҳамда улардан фойдаланган ҳолда медиа-дарсларни ўтиш ўргатиб боришмоқда.

Жумладан, «Тил ва адабиёт» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан «Она тили ва адабиёт» фанларидан медиа-дарсларни яратиш, «Математика, информатика ва физика» кафедраси профессор-

ўқитувчилари томонидан «Тарбиявий соат» мавзусида электрон методик қўлланма, «АКТ курсини ўқитишда интерфол усуллардан фойдаланиб мультимедиа дарсларини олиб бориш методикаси» номли методик тавсияномалардан унумли фойдаланилади.

Халқ таълими вазирлиги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда тайёрланган физикадан 26 та лаборатория ишлари ва 143 та кўргазма-тажрибаларнинг мультимедиа кўриниши, «Электрон жадвал ва унинг имкониятлари, Excel дастури бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш» ишлари ҳам таълим жараёнларида жуда қўл келмоқда.

«Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик — психологик диагностика ишларини замонавий ахборот технология воситалари ёрдамида амалга ошириш», «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим» кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари», «Болажон» таянч дастури таҳлили» каби мавзуларда яратилган электрон ресурсларнинг барча йўналишлардаги курсларда тингловчилар томонидан ўзлаштирилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мутахассислик фанларини ўқитишда мавжуд электрон дарсликлардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Институтда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда электрон қўлланмалар, тақдиротлар, интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш, шунингдек, масофавий таълимни жорий этиш билан боғлиқ изчил назарий ҳамда амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мутахассислик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши боис, тингловчилар бир вақтнинг ўзида маълумотларни эши-

тиб, кўриб, муҳокама қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Дарс жараёнининг техник воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши тингловчиларнинг дарсга бўлган қизиқишлари ортисида ҳамда дарсда олган маълумотларнинг хотираларида узоқ вақт давомида сақланиб қолишига имкон яратмоқда.

Бинобарин, институтда зарур жадвал, диаграммаларни тузиш ва таҳлил қилиш имкониятлари ҳам мавжуд. Педагоглар ўз фаолияти учун муҳим бўлган маълумотларни электрон кўринишда ёзиб олиш ва жойларда фойдаланиш бўйича билим ва малакага эга бўлмоқда. Мактаб ҳужжатларини юритиш, ҳисобот топширишининг қўлай ва осон йўллари йўналмоқдалар. Power Point дастури бўйича дарс ишланмаларини яратиш, педагогик кенгашларда, семинарларда тақдирот қилиш малакаларини эгалламоқдалар. Интернет тармоғидан зарур ҳужжат ва маълумотларни топиш бўйича тажриба алмашдиладар.

Жумладан, тингловчилар илгор педагогик технологияларни қўллашда техник воситалардан фойдаланиш йўллари, курс иши, малака ишларини тайёрлашда, тақдирот қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасига эга бўлмоқда. АКТ дан фойдаланиб дарс ўтиш ўқув самарадорлигининг кескин ўсишига муҳим омилдир.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги кунда фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши натижасида таълим соҳасида компьютер, мультимедиа, аудио-видеотехника, интернет тизимидан фойдаланиш каби бир қатор янги технологиялар асосида иш олиб боришмоқда. Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида эса бу борада, самарали ва қўлай шарт-шароитлар, яратилган.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: институт ҳаётидан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат

Меҳр ва мурувват кўрсатиш, ночор ва хасталарнинг кўнгилларини олиш, уларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Зеро, бу дунёнинг асл гўзаллиги, эзгулиги, хайру савоби ҳам шундадир.

Саховат

МЕҲР-МУРУВВАТДАН
ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

ди Мировод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи оқсоқоли Талъат Шамсиев. — Бугунги хайрия тадбирига туманимиздаги маҳаллалардан кам таъминланган, ҳимояга муҳтож кишилар маҳалла оқсоқоллари билан тақдир қилинди. Тадбирга келолмаган ёлғиз ва бемор кишиларнинг уйларига эса саховат совғалари юборилди. Инсон доимо эзгуликка

интилади, ўзидан яхши ном қолдиришни ният қилади. Илоҳим ҳаммамизнинг қалбимиз меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлсин, саховатли инсонлар кўпаяверсин.

Ҳа, халқимиз саховатпеша, хайру эҳсон эса азалий қадриятларимиз сирасига кирди. Ўртимиздаги бундай хайрли ишлар эзгулик ва яхшилиқка хизмат қилсин.

Гулнор САТТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти қуйидаги қачи-
федралар бўйича бўш (вакант): **«Чет тиллари»** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бухгалтерия ҳисоби»** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бизнес ва тадбиркорлик»** доцент, катта ўқитувчи; **«Ўзбек ва рус тиллари»** катта ўқитувчи; **«Аудит»** доцент, катта ўқитувчи; **«Жисмоний маданият ва спорт»** катта ўқитувчи; **«Банк иши»** катта ўқитувчи; **«Сугурта иши»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молия»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Лойиҳаларни молиялаштириш»** доцент, катта ўқитувчи; **«Ўзбекистон тарихи»** катта ўқитувчи; **«Информацион-коммуникацион технологиялар»** катта ўқитувчи; **«Молиявий**

таҳлил» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** катта ўқитувчи; **«Солиқлар ва солиққа тортиш»** катта ўқитувчи; **«Иқтисодиёт назарияси»** доцент, катта ўқитувчи; **«Бюджет ҳисоби»** катта ўқитувчи; **«Статистика»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молия бозори ва қимматли қозғолар»** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Минтақавий иқтисодиёт»** катта ўқитувчи; **«Банк ҳисоби ва аудити»** доцент, катта ўқитувчи; **«Касбий таълим»** доцент, катта ўқитувчи; **«Олий ва амалий математика»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молиявий менежмент»** доцент, катта ўқитувчи лавозимлари

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати - эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99
358-84-08

Туманларда

ФАХРИЙЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ
— АЗАЛИЙ ОДАТ

— Тўқсон тўққиз ёшга чиқдим. Ҳали тетикман.

Маҳалламизнинг «Қамолот»чи ёшлари мени зиёрат қилиб туришди, совгалар олиб келишди. Зериксам набирам билан яқин кўчаларимизни бир айланиб келаман, бизнинг маҳалла кўчаларини айлانган одам ўзини мевали богда юргандек ҳис қилади, — дейди Чилонзор туманидаги Дилхуш кўчаси 86-уйда яшовчи уруш фахрийси Абдулҳақ ота Айтикин.

— Мен тўқсон бир ёшдаман, кексалик гаштини сураямман. Ҳар йили Ватан ҳимоячилари байрамида маҳалламизга қўшни бўлган ҳарбий қисм аскарлари билан учрашувга бориб тураман, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, «Дўмбиробод» маҳалласида 46 йил оқсоқол бўлган Усмон ота Абдуллаев. — Ҳозирги ёшларимизга ҳавасим келади, уларга ўқиб, фан чўққиларини эгаллаш учун кенг йўл очилган.

Бундан миннатдорчилик сўзларини иккинчи жаҳон уруши фахрийси 89 ёшли Абдурахим ота Мутаповдан ҳам эшитдик.

— Чилонзор туманида 49 та маҳалла бор, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлини маси раиси Обид Аҳмедов. — Уларда 159 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва 900 нафардан ортқ уруш ортида ишлаган меҳнат фахрийлари истикомат қилади.

Бизнинг туманимизда фахрийларни эъзозлаш азалий одат. Инсонга биринчи навбатда саломатлик зарур. Туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийлари тиббий кўриқдан ўтказиб турилади, яқинда барча уруш қатнашчиларига гриппга қарши вакцина қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир фахрийга зарурий доридармонлар тўпلامи берилади. Ўтган йил Хотира ва қадрлаш куниди уруш ва меҳнат фахрий

ларининг ҳар бирига ҳомийлар томонидан ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари уйларига олиб бориб топширилди. Мустақиллик байрамида фахрийлар такоран рағбатлантирилди. Совгалар бемор бўлиб ётганларнинг уйларига етказиб берилди.

Маҳаллаларда баҳорий таомлар: сумалак ва катта қозонларда ҳалим пишириш хайрли одат тусига кирган. Чилонзор туманидаги Дўмбиробод, Тирсақобод ва бошқа маҳаллаларда аёлларга махсус автобус тақдир этилиб Самарқанд, Бухоро шаҳарларига, Нурота, Аҳмад Ясавий қадимжолари ва бошқа тарихий обидаларни таништириб келиш ҳам одат бўлапти.

Фахрийлар ва аёлларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида театрларга жамоа бўлиб бориш ташкил этиляпти, эл севган санъаткорлар Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Илҳом Фармонов ва бошқалар билан маҳаллаларда учрашувлар ўтказиляпти.

Маҳаллалардаги оқсоқоллар маслаҳатчиларининг кўпчилиги фахрийлардан сайланган. Қайси жойга борсангиз уларнинг кўчалар ва кўп қаватли уйлар атрофидаги тозалик ва ободончилик, дарахт ҳамда гул кўчатлари экиш ишларига бош-қош бўлаётганини кўрасиз. Чилонзорликларнинг бу ишидан намуна олса арзийди.

Йўлдош МАНСУРОВ,
меҳнат фахрийси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси «Корхона бош энергетикнинг биринчи ўринбосари» лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Даъвогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилши истиқболлари мавжуд.

Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПИА сазловчилари ишга қабул қилинади.

Корхона хизмат транспортни, бепул овқат билан таъминлайди.



Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:
241-10-81, 929-55-97.

Хизматлар лицензияланган.

«SPARETRA» МЧК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси басқичма-басқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: Бўша тумани СИБ томонидан 1. 14.07.2009 й. № 1-258 - сонли икк хўжакатига асосан «Т-284МС1», д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 783 860 сўм. 2. 18.06.2010 й. № 4349/3 - сонли икк хўжакатига асосан «2-ПТС 4783», д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 956 610 сўм. 3. 28.12.2008 й. № 1-369 - сонли икк хўжакатига асосан 1993 й.и/ч. «Газ 31029», д/р. 2.721 MBM автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 328 601 сўм. Бекбод шаҳар СИБ томонидан 4. 01.08.2011 й. № 7916 - сонли икк хўжакатига асосан 1982 й.и/ч. «Москвич», д/р. 10 F 897 ДА. Бошланғич баҳоси - 506 040 сўм. 5. 15.02.2012 й. № 3912 - сонли икк хўжакатига асосан 1969 й.и/ч. «Газ 21», д/р. К 3894 ТШ. Бошланғич баҳоси - 624 609 сўм. 6. 15.02.2012 й. № 3916 - сонли икк хўжакатига асосан 1987 й.и/ч. «УАЗ 21-25», д/р. 11 N 12296. Бошланғич баҳоси - 631 111 сўм. 7. 15.02.2012 й. № 3917 - сонли икк хўжакатига асосан 1979 й.и/ч. «Ваз 2102», д/р. 11 P 6347. Бошланғич баҳоси - 607 090 сўм. 8. 25.02.2010 й. № 850 - сонли икк хўжакатига асосан 1976 й.и/ч. «М-412 ИЭ», д/р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси - 256 978 сўм. 9. 06.05.2010 й. № 5446 - сонли икк хўжакатига асосан 1971 й.и/ч. «М-412», д/р. Ж 9191 ТШ. Бошланғич баҳоси - 186 009 сўм. 10. 14.11.2011 й. № 13129 - сонли икк хўжакатига асосан 1977 й.и/ч. «УАЗ 452», д/р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси - 699 852 сўм. 11. 14.11.2011 й. № 13129 - сонли икк хўжакатига асосан 1985 й.и/ч. «УАЗ 452», д/р. 11 N 2357. Бошланғич баҳоси - 693 485 сўм. 12. 19.03.2010 й. № 1618 - сонли икк хўжакатига асосан 1987 й.и/ч. «Ваз 368-М», д/р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси - 83 230 сўм. 13. 11.05.2011 й. № 3171 - сонли икк хўжакатига асосан 1977 й.и/ч. «УАЗ 452 А», д/р. 11 T 9673. Бошланғич баҳоси - 1 015 493 сўм. 14. 23.07.2012 й. № 7692 - сонли икк хўжакатига асосан 1984 й.и/ч. «Москвич 2140», д/р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси - 736 801 сўм. «Бекбодсавдо» МЧКда сакланмоқда. 15. 15.08.2011 й. № 10379 - сонли икк хўжакатига асосан 1991 й.и/ч. «ДТ-75», д/р. сиз. Бошланғич баҳоси - 7 247 770 сўм. «Зафар қурилиш инвест» МЧКда сакланмоқда. 16. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 18.06.2012 й. № 7320/6 - сонли икк хўжакатига асосан 2012 й.и/ч. «Спарк», д/р. 01 W 724 КА. Бошланғич баҳоси - 26 730 000 сўм. «Нулиматика» МЧКда сакланмоқда. Қўрай тумани СИБ томонидан 17. 22.03.2010 й. икк хўжакатига асосан 2007 й. и/ч. «Прицеп 2ПТС 4», д/р. 3501 ЕК автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 369 600 сўм. 18. 22.03.2010 й. икк хўжакатига асосан 2006 й. и/ч. «БТ-150», д/р. 0158 ЕД автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 28 037 340 сўм. 19. 22.03.2010 й. икк хўжакатига асосан 2007 й. и/ч. «Беларусь 1023», д/р. 1701 ЕК автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 35 478 810 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 7 март кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Қўрай тумани СИБ томонидан 20. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2008 й. и/ч. «Хундай Веракруз» русумли, д/р. 10 808 FAA. Бошланғич баҳоси - 76 000 000 сўм. 21. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2005 й. и/ч. «Ласетти» русумли, д/р. 10 898 AAA. Бошланғич баҳоси - 34 000 000 сўм. 22. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2009 й. и/ч. «Нексия Сонс ГЛЕ» русумли, д/р. 10 454 ААА. Бошланғич баҳоси - 26 500 000 сўм. 23. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2007 й. и/ч. «Нексия Донс ГЛЕ» русумли, д/р. 10 791 ААА. Бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм. 24. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2009 й. и/ч. «Нексия Сонс ГЛЕ» русумли, д/р. 10 808 ДАА. Бошланғич баҳоси - 27 000 000 сўм. 25.05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2001 й. и/ч. «BMW 735i» русумли, д/р. 01 696 GAA. Бошланғич баҳоси - 72 000 000 сўм. 26. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 1990 й. и/ч. «Икарус 2567» русумли, д/р. 10 305 ААА. Бошланғич баҳоси - 16 400 000 сўм. 27. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2008 й. и/ч. «SUZUKI SAZ NP-21» русумли, д/р. 10 304 ААА. Бошланғич баҳоси - 27 000 000 сўм. 28. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2007 й. и/ч. «SUZUKI SAZ NP-21» русумли, д/р. 10 606 GAA. Бошланғич баҳоси - 64 000 000 сўм. 29. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2010 й. и/ч. «Матиз» русумли, д/р. 10 454 ААА. Бошланғич баҳоси - 17 100 000 сўм. 30. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 1999 й. и/ч. «Нексия ГБА-СПГ» русумли, д/р. 10 959 ААА. Бошланғич баҳоси - 20 000 000 сўм. 31. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2004 й. и/ч. «Нексия Донс ГБА-СПГ» русумли, д/р. 10 789 ААА. Бошланғич баҳоси - 18 893 370 сўм. 32.05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2010 й. и/ч. «Дамас ГБА-СПГ» русумли, д/р. 10 858 ААА. Бошланғич баҳоси - 21 000 000 сўм. 33. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2004 й. и/ч. «Дамас» русумли, д/р. 10 301 ААА. Бошланғич баҳоси - 16 500 000 сўм. 34. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан «Газ-3303 ГБА-СПГ» русумли, д/р. 10 818 FAA. Бошланғич баҳоси - 21 000 000 сўм. 35. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 1991 й. и/ч. «BOALLON» SPT русумли, д/р. 10 1668 AA. Бошланғич баҳоси - 28 000 000 сўм. 36. 05.10.2012 й. № 2-1114/12 - сонли икк хўжакатига асосан 2008 й. и/ч. «SUZUKI SAZ NQR-71» русумли, д/р. 10 302 ААА. Бошланғич баҳоси - 60 000 000 сўм. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 37. 10.02.2013 й. № 433 - сонли икк хўжакатига асосан 1985 й. и/ч. «Урал» русумли, д/р. 6981 ТША. Бошланғич баҳоси - 979 956 сўм. Олмалик шаҳар 1-сонли ИИБда сакланмоқда. 38. 08.09.2009 й. № 18590 - сонли икк хўжакатига асосан «Газ 5327» русумли, д/р. 11 O 4426. Бошланғич баҳоси - 1 861 272 сўм. Қўйичирчиқ тумани СИБ томонидан 39. 14.09.2012 й. № 2275 - сонли икк хўжакатига асосан 2002 й. и/ч. «Газ 330210» русумли, д/р. 11 AP 564. Бошланғич баҳоси - 25 688 822 сўм. Достобод шаҳар Оқуғорон кўчаси 1-уйда сакланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 25 март кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқориди автотранспорт воситалари 2013 йил 9 апрель кўни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан сўм департаменти вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танилиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўчалари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кўнидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузуладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «SPARETRA» МЧК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20208000104887305002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.



Мухаммад Амин (ўзА) олган суратлар

Спорт янгиликлари

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лига вакиллари ўртасида уюштирилган ярим финал баҳслари қизгин паллага кирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, швейцарча усулда ташкил этилган ушбу беллашувларнинг ярим финалида Иброҳим Каримов Аран Каспаров билан, Шерзод Сиддиқов эса халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова билан ўйнади.

Гарчи баҳслар эркаклар ўртасида уюштирилаётган бўлсада, Нафиса Мўминова ҳам ғолиблик учун донна сурмоқда.

Биринчи лига вакиллари ўртасидаги финал учрашувлари 10-24 апрель кунлари бўлиб ўтади. Қайси шахматчи ғолиб бўлиб Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритади. Буни эса вақт кўрсатади.

БИШКЕКДАН
МЕДАЛЛАР
БИЛАН

Ўзбекистон бокс мактабининг бутун жаҳонда ўз нуфузига эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бокс бўйича уюштирилган халқаро турнир юқоридаги фикримизга яққол далилдир. Чунки ушбу турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси яқинда 3 та олтин, 2 та бронза медалини қўлга киритди.

Бишкекдан медаллар шодаси билан пойтахтимизга етиб келган Марс Кўчқоров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир неча кун ўқув-йигин машғулотларида иштирок этгач, Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетишди. Чунки Қозоғистонда ташкил этилаётган халқаро турнирда боксчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган «Катта дубулға» туркумига кирувчи халқаро турнир дзюдочиларимизга омад келтирди.

ҲАМЮРТИМИЗ — ХАЛҚАРО
ТУРНИР ҒОЛИБИ

Гап шундаки, 60 та давлат вакиллари ғолиблик учун кураш олиб борган ушбу турнирда ҳамюртимиз Яхё Имомов 81 килограмм вазнда барча рақибларини енгиб шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, 90 килограммликлар баҳсида қатнашган Дилшод Чориев фахрли учинчи ўринни эгаллади ва бронза медали билан кифояланди.

Умумжамоа ҳисобида эса Ўзбекистон терма жамоаси олтинчи ўринга лойиқ деб топилди.

ЧЕМПИОНАТГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Қўл жанги спорт турига кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўсмирлар ўртасида қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақаларига старт берилди.

Ушбу беллашувларда Тошкент шаҳри ёш спортчиларидан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 200 нафар ўсмирлар ғолиблик учун кескин кураш олиб боришмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Республика «Rowing and canoe» федерацияси томонидан Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпия Бирдамлиги дастури билан ҳамкорликда академик эшкак эшиш бўйича ҳакамлар, мураббийлар ва мутахассислар учун техник семинар бошланди.

Эшкак эшиш

МУТАХАССИСЛАРНИНГ
МАҲОРАТ МАКТАБИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, навқирон авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, маҳоратли спортчилар, малакали мураббийлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда спортни, жумладан, эшкак эшишнинг барча турларини ривожлантириш учун улкан ишлар амалга оширилаётганидан яхши хабардоримиз, — дейди Халқаро эшкак эшиш спорти федерацияси (FISA) эксперти Николас Её (Сингапур). — Айниқса, Самарқандда махсус бунёд этилган, табиий имкониятлари юқори эшкак эшиш канали ўзбек спортчилари учун кенг имкониятдир.

Академик эшкак эшиш бўйича терма жамоамиз аъзолари халқаро миқёсдаги нуфузли спорт анжуманларида мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, Севара Фаниева ва Руслан Наурзалиев Осиё ўйинларида, Сергей Тянь, Ефим Кузнецов, Дамир Наурзалиев, Александр Дидрих Осиё кубогига, Абулқасим Ҳасанов, Зафар Усмонов, Абдураҳмон Мухаммадиев ва Эрнест Ҳамидуллаев қитъа чемпионатида олтин медалларни қўлга киритган.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси мамлакатимиз спорт кадрларининг тажриба ва малакасини ошириш мақсадида Халқаро Олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда 1997 йилдан буён теннис, бадий гимнастика, бокс, дзюдо, таэквондо, енгил атлетика, сузиш, волейбол каби ўндан зиёд олимпия спорт турлари бўйича семинарлар ташкил этиб келмоқда.

Жорий йилдаги дастлабки ана шундай тадбир академик эшкак эшиш бўйича ўтказилмоқда. Беш кун давом этадиган техник семинарда юртимизнинг барча ҳудудларидан ўттиз нафардан зиёд ҳакам, мураббий ва мутахассислар академик эшкак эшиш бўйича машғулот жараёни, спортчиларнинг жисмоний, психологик ва техник тайёргарлигини кучайтириш, мусобақа қоидаларидаги янгиликларни ўзлаштириш каби қатор мавзулар бўйича назарий машғулотларда малака оширади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎзА муҳбири

Билиб қўйган яхши

ЗИРАВОРЛАРНИНГ ШИФОБАХШ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Долчин. Энг яхшисининг ҳиди ёқимли, таъми ачитмайдиган ўткир, ранги тоза ва аралашмаган бўлади. Долчиннинг ўзига хос аломатларидан бири шукки, унинг ҳиди ўзидан бошқа ҳар бир хидга ғолиб бўлади. Унинг ёнида бошқа ҳеч бир хид сезилмай қолади.

Долчин темирткилар ва яраларга ишлатилади, йўталга фойда қилади, жигар тикималарини очади, жигар ва меъдани тозалайди, буйрак оғриқларига ва ишларга фойда қилади.

Қора зира. Меъдани қиздиради ва овқатни ҳазм қилдиради. Кўзни ўткир қилувчи дорилар ва суртмалар таркибига кириди. Ҳуқуқда ва ҳафаконда фойда қилади. Гижжаларга қарши яхши таъсир қилади ва уларни ўлдирди. Қора зиранинг халқ таъбаотида камқонликда, меъда оғриғида, ичбурмада, сурункали жигар касалликларида, она суги камчилигида, қабзиятда истеъмол қилиниши тавсия этилади. У яна ел ва гижжа ҳайдовчи, овқат ҳазм бўлишига ёрдам берувчи, терлатувчи омил сифатида тавсия

этилган. Қора зира мойи танамиздаги зарарли микробларга қирин келтиради.

Мурч. Унда тортиш, шимдириш ва тозалаш қуввати бор. Майиз билан қўшиб чайналса, ёпишқоқ балғамни кўчиради ва бутунлай йўқотади. У оғриқларни босувчи ва асабларни қиздирувчидир. Мурч соғлом кишиларгагина тўғри келади.

Агар шимилладиган дориларга қўшиб истеъмол қилинса, йўталга ва кўкрак оғриқларига фойда қилади. Агар асал билан қўшиб танглайга суртилса, томоқ оғриғига фойда қилади ва ўпкани тозалайди.

Кунжут. Унинг ёғи ўзига қараганда кучлироқдир. Кунжут меъда учун ёмон, кўнгилни айнайтиди, иштаҳани туширади ва тезда тўйдирди. Агар у асал билан ейилса, зарари кетмади. Кунжут астмада фойда қилади. Урилишдан пайдо бўлган кўкаришни ва қотиб қолган қонни шимилтиради.

Седана. Ингичка гижжа ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани ўлдирди. Уни асал ва иссиқ сувга қўшиб ичирилса, қовуқ ва буйракдаги тошларга фойда қилади ва уларни чиқаради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

Бектемир туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза.
2. Паспорт нусхаси.
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма).
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 18 март)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.

Тошкент оқшомки

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13549 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2


Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Бахилнинг фойдаси ҳамisha зиён.

Пул кимни дўст қилади, кимни
душман.

Инсон ўзида бор имкониятдан
фойдаланмай йўғини орзу қилади.

Ҳаёт тарозисининг посангиси йўқ.

Ўзингни ҳеч кимга кераксиз ҳис
қилишдан ортиқ ғам йўқ.

Бўлмайдиган ишнинг кетидан овора
бўлгунча бўладиган ишни қилганга
нима етсин?

Пасткаш доим бировни туширишга
интилади.

Ёмонга ўзини ёмонлиги яхшилиқ
бўлиб кўринади.

Кўрқоқлар мардларни йўлдан уради.

Ғийбат кони тугамас.

Яхшилиқни ҳам ҳар ким ҳар хил
тушунади.

Бировни ерга уриб, ўзини кўтаришга
уринганлар хато қиладилар.

Бу дунёда ҳамма нарсанинг тўлови
бор.

Ишнинг қизигида қилингани қолади.

Ҳеч ким ўзини бировдан кам билгиси
келмайди.

Мард нафақат ўзининг, балки би-
ровнинг ҳам айбини бўйнига олади.

Ташвиш ҳамisha қутилмаган жойдан
чиқади.

Фаровонлик келтирмаган меҳнат
кишини бездиради.

Яхшилаб ўйлаб қарасанг, бошқалар-
нинг ақли ҳамisha сеникидан кўп
бўлиб чиқади.

Бола ўрганганини эсидан чиқар-
майди.

Кўнгли бўшдан фойдаланадилар.

Орсиз ўзини бечора кўрсатади.

Нақл баъзида ақлнинг ўрнини босади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Тошкент шаҳрида 22 февраль кунини ҳаво ўзга-
риб туради, ёғингарчилик
бўлмайди. Шарқдан секунди-
га 5-10 метр тезликда ша-
мол эсади. Ҳарорат кечаси
— 1 даража совуқ — 1 дара-
жа илқ ва кундузи — 11-13

даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотида кўра,
22 февралда Тошкент
шаҳри об-ҳаво шаро-
ити шаҳар ҳаво муҳитида
зарарли моддаларнинг бир
оз тарқалиб кетишига им-
коният яратлади. Атмосфе-
ранинг ифлосланиши дара-
жаси 1-3 фоиз пасайиши
таҳмин қилинмоқда, таг-
миқдори паст бўлади.